

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

27-сон
(215)
2006 й.
июль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

245. «Ўзбекистон Республикасининг Шахарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 июлдаги ЎРҚ-39-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

246. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 июлдаги ПФ-3767-сон Фармони

247. «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 июлдаги ПҚ-396-сон қарори

248. «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Солик академияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 июлдаги ПҚ-397-сон қарори

249. «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 июлдаги ПҚ-398-сон қарори

Учинчи бўлим

250. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар кириши, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иктисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 июлдаги 130-сон қарори
251. «Вазирлар Маҳкамасининг «Архив иши бўйича меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарорига қўшимча кириши тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 июлдаги 131-сон қарори

Бешинчи бўлим

252. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 30 июндаги НН-01/10-3771, 62, 03-02/19-10-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 июлда 1588-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

253. «Автомототранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек автомототранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсларга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг хужжатлаштирилган банкини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2006 йил 27 июндаги 15 ва 5-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 4 июлда 1589-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

254. «Ягона солиқни хисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 25 майдаги 47, 2006-25-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 5 июлда 1590-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

255. «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларига наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 16 июндаги 128-сон бўйруғи. (Ўзбекистон Республика-

си Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 5 июлда 1591-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

256. «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида яроксиз ҳолатга келган (хизмат муддати тугаган) ёки йўқотилган моддий ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш, моддий маблағлар ҳисоби ва улар бўйича ҳисбот юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг 2006 йил 12 майдаги 7, 2, 1/4-529, 46-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 5 июлда 1592-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
257. «Давлатга етказилган заарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг 2006 йил 12 майдаги 6, 3, 1/4-528, 47-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 5 июлда 1593-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 1 июлдан 7 июлгacha бўлган маълумот

+

-

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

245 Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган 353-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 63-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

— 1) **21-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

+ «**21-модда. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси худудида аҳолини жойлаштириш бош тархи ишлаб чиқилишини, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар (вилоятлар гурухлари) худудини режалаштириш тарҳлари ва умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти обьектларининг шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқилиши, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ваколатига берилган шаҳарларнинг бош режаларини истисно қилганда, шаҳарларнинг, шаҳар послекларининг бош режаларини ҳамда Тошкент шаҳрининг марказий қисмларини, вилоятларнинг маъмурий марказларини, шунингдек маданий мерос обьектларига эга бўлган шаҳарларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти обьектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига таклифлар киритади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шаҳарсозлик хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари юзасидан услубий хужжатлар, шунингдек шаҳарсозлик тўғрисидаги бошқа қонун хужжатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 8 июляда эълон қилинган.

белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, қурилиш ишлари, бинокорлик материаллари ва буюмлари сифати ҳамда технологияларининг давлат стандартларига, шунингдек шаҳарсозлик тӯғрисидаги бошқа қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

شاҳарсозлик хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказади;

курилишда стандартлаштириш ва бинокорлик материаллари ҳамда буюмларини сертификатлаш ишларини амалга оширади;

давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишини ва шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб борилишини амалга оширади;

шаҳарсозлик хужжатлари амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилиши тартибини белгилайди;

шаҳарсозлик фаолияти айрим турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради;

аҳолини шаҳарсозлик фаолиятидан мунтазам ҳабардор қилиб боради;

шаҳарсозлик хужжатлари масалалари бўйича буюртмачилар, шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқади;

шаҳарсозлик фаолияти объектларини рўйхатга олади ҳамда объектлар қурилишига рухсатнома беради;

буюртмачининг техник назоратни амалга оширишга доир ишини текширади ва техник назорат сифатиз амалга оширилган тақдирда, унга нисбатан жавобгарлик чоралари кўллаш ҳакида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

давлат стандартлари ва техник шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, бинокорлик материаллари ҳамда буюмлари ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ва кўлланилишини, норматив талаблар ҳамда тасдиқланган лойиҳа ечимлари чидамлилик, пухталик хусусиятлари пасайишига сабаб бўлган даражада бузилганда, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг авария хавфи бўлган, объектлар ўзбoshimchaliq билан қурилган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб туради;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тӯғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда жарималар солади;

тугалланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимиға куйидагилар киради:

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари;

туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари);

давлат экспертизаси худудий бошқармалари;

давлат архитектура-қурилиш назорати худудий инспекциялари.

Вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаларига (бўлимлари) тегишли бош архитекторлар бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, шунингдек туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) ўз ваколатларига тааллукли масалаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат

архитектура ва қурилиш қўмитасига, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бўйсунадилар»;

2) **24** ва **25-моддалар** чиқариб ташлансин;

3) **54-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, унинг давлат архитектура-қурилиш назорати худудий инспекциялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **57-модда:**

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шахарсозлик хужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган манбалардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларлири тасарруфига давлат корхоналарини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан ҳам амалга оширилади»;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансан.

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

—
Тошкент ш.,
2006 йил 7 июль,
ЎРҚ-39-сон
+
—

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

246 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тиҷорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сонли Фармонига мувофик:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи Фармон ва қарорларига иловага мувофик ўзгартишлар киритилсан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 июль,
ПФ-3767-сон

+

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 6 июлдаги
ПФ-3767-сон Фармонига
ИЛОВА

—

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон ва фермер хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-кувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 18 мартағи ПФ-1737-сонли Фармони 5-бандининг учинчи хатбошисидаги биринчи жумласи чиқариб ташлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармони 8-бандидаги «Тадбиркорбанк» сўзи «Микрокредитбанк» АТБ» сўzlари билан алмаштирилсан.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармони 13-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Ўзтадбиркорбанк»ка» сўзи «Микрокредитбанк» АТБга» сўzlари билан алмаштирилсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик тадбиркорлик субъектлари ни молиявий қўллаб-кувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 23 декабрдаги ПФ-3367-сонли Фармони 2-бандининг:

биринчи хатбошисидаги «Тадбиркор» АТБга топшириладиган маблағлар» сўzlари

«Тадбиркорбанк» АТБ негизида ташкил этилган «Микрокредитбанк» АТБга топширилган маблағлар» деб ўзгарилилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошлиаридағи «Тадбиркор» АТБ» сўzlари «Микрокредитбанк» АТБ» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 16 ноябрдаги ПФ-3680-сонли Фармони иловасининг 22-бандидаги «Ўзтадбиркорбанк» сўзи «Микрокредитбанк» сўзи билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгаририш тўғрисида» 2005 йил 25 июлдаги ПҚ-131-сон қарори 2-иловасининг «Мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари» бўлимидағи «Ўзтадбиркорбанк» сўзи «Микрокредитбанк» АТБ» сўзи билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли қарори 5-иловасининг 28-бандидаги «Тадбиркор» сўзи «Микрокредитбанк» сўзи билан алмаштирилсин.

— +
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

247 «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида

Ҳаракат таркибидан, хусусан шинам «Мерседес-Бенц» автобусларидан самарали, авайлаб ва мақсадли фойдаланишдан автобус саройлари ходимларининг манфатдорлигини ошириш, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш ва шу асосда Тошкент шахри ахолисига шаҳар автобус транспортида йўловчи ташиб хизмати сифатини яхшилашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПФ-3713-сонли Фармони билан тузилган Ишчи комиссиясининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шахар ҳокимлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлат акциялари пакетларини, иловага* мувофиқ, хусусий мулк этиб икки босқичда сотиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

биринчи босқичда (2006-2007 йиллар) — жалб этилган хорижий кредитлар тўлиқ тўланган 159 та «Мерседес-Бенц» автобусларининг қиймати устав жамғармаларига қўшилишини ҳисобга олган ҳолда автобус саройларининг давлатга қарашли акцияларини сотиш;

иккинчи босқичда (2008—2010 йиллар) — автобус саройларининг устав жам-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ғармаларини Ўзбекистон Республикаси кафиллигида олинган ва ҳали тўлиқ тўланмаган хорижий кредитлар ҳисобидаги 362 та «Мерседес-Бенц» автобусларининг қиймати миқдорида кўпайтириш, шу қийматга тенг миқдорда қўшимча равиша чиқарилган акцияларни хусусий мулк этиб сотиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги, «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январигача 362 та «Мерседес-Бенц» автобусларининг қиймати қўшилишини ҳисобга олган ҳолда «Тошавтобустранс» АК автобус саройларининг устав жамғармаларини белгиланган тартибда мувофиқлаштирасин.

2. Белгилансинки, хусусий мулкида «Мерседес-Бенц» автобуслари мавжуд бўлган «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлат акциялари пакетлари ёпиқ кимошди савдоларини ўtkазиш асосида биринчи навбатда автобус саройлари меҳнат жамоаларининг аъзоларига, шунингдек «Тошавтобустранс» АК таркиби кирган ҳамда йўловчиларга бир маромда ва бехатар хизмат кўрсатишини таъминлайдиган ишончли автойўловчи ташувчи сифатида ўзини намоён этган автокорхоналарга сотилади.

3. «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлатга қарашли акциялари пакетларини сотишдан тушадиган маблағларини таксимлашнинг қуидаги тартиби белгилансин:

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоизи, биринчи навбатда, «Мерседес-Бенц» автобусларини сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси кафиллигида жалб этилган хорижий кредитларни тўлашга;

+ давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи 2010 йилнинг охиригача «Тошшахартрансхизмат» уюшмасига қайташибериш шарти билан автобус саройларининг ҳаракат таркибини янгилашда, шу жумладан лизинг асосида мақсадли фойдаланиш учун беш йил муддатга йўналтирилади;

- давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг қолган қисми қонун хужжатларида белгиланган тартибда таксимланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлатга қарашли акциялари пакетларини автобуслардан автобус саройларига бириклирлган йўналишларда мақсадли фойдаланиш мажбурияти олинган ҳолда ёпиқ кимошди савдоларида сотиш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар хокимлиги, «Тошшахартрансхизмат» уюшмаси ва «Асака» банкининг:

Тошкент шаҳар автобус саройларининг ҳаракат таркибини 2008—2010 йиллар даврида босқичма-босқич янгилаш, бунда автобус саройларининг давлат акциялари пакетларини сотишдан тушадиган маблағларининг «Тошшахартрансхизмат» уюшмасида қолдириладиган қисми, шунингдек автобус саройларининг ўз маблағлари, мамлакатимиз банклари ва хорижий банкларнинг, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобига асосан дизель ва газ ёнилғиси билан ишлайдиган автобуслардан фойдаланиш тўғрисидаги;

«Асака» банки ва «Тошшахартрансхизмат» уюшмаси томонидан тегишли лицензия асосида тижорат мақсадида йўловчилар ташийдиган юридик шахсларга автобусларни лизингга бериш бўйича лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсан.

Янги ташкил этиладиган лизинг компанияси 2010 йилнинг 1 январигача Тошкент шахри автобус саройларига лизингга бериладиган йўловчи ташиш автобусларини олиб кириш чоғида божхона тўловлари тўлашдан озод қилинсин (божхона расмийлаштируви учун йигимлар бундан мустасно).

6. Шаҳар йўловчи транспортининг бир маромда ва бехатар фаолият кўрсатишни таъминлаш, ҳаракат таркибини янгилаш, шаҳар йўналишларидаги автобуслардан самарали ва мақсадли фойладаниш учун Тошкент шаҳар ҳокими (А.Х. Тўхтаев) ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси (Ш.Ш. Мухамеджанов) зиммаларига шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 3 июль,
ПҚ-396-сон

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ +

248 Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси- нинг Солик академияси фаолиятини ташкил этиш- ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги йилларда республикада давлат солик хизмати органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Солик академияси ва учта солик касб-хунар коллежи ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда, Солик академияси фаолиятини ўрганиш давомида таълим жараёни ва давлат солик хизмати органлари учун кадрлар тайёрлаш сифатининг пасайишига олиб келган жиддий камчиликлар аниқланди. Солик хизматларининг ҳудудлар бўйича малакали кадрларга бўлган талабларини хисобга олган ҳолда тингловчиларни танлашнинг аниқ тартиби ва мезонлари жорий этилмаган. Ўқув-методик базаси замонавий талабларга жавоб бермайди, ўқув адабиётларнинг янги авлоди билан таъминланиш ҳамон паст даражада қолмоқда. Академия раҳбарияти томонидан профессор-ўқитувчи ходимларни танлашда камчиликларга йўл қўйилган. Соликқа тортиш муаммоларига бағишлиган илмий тадқиқотлар олиб бориш, педагогларнинг малакаси ва маҳоратини ошириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаган.

Замонавий талаблар даражасида профессионал фаолият юрита оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва давлат солик хизматлари органларини тўлдиришни таъминлаш бўйича Давлат солик қўмитасининг Солик академияси фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Давлат солик қўмитаси раҳбариятига Солик академияси фаолиятини ташкил этиш, унга юклангандар вазифалар ва функциялар ижросини таъминлаш, профес-

кор-ўқитувчи кадрлар танлаш ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Кўйидагилар:

аникланган камчиликларни бартарф этиш, Академия кафедралари фаолиятини такомиллаштириш, раҳбарият ва профессор-ўқитувчилар таркибини мустахкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани;

солик хизмати кадрларига кўйилган малака талабларини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартлари, ўкув дастурлари ҳамда ўқитиш методикалари янгилангани ва белгиланган тартибда тасдиқлангани, талабалар билимларини баҳолашнинг рейтингли тизими такомиллаштирилгани, Академия профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш дастури ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Солик академияси давлат солик хизмати органлари кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича солик хизматлари учун кадрлар тайёрлаш тизимидағи ишларни мувофиқлаштиришни таъминловчи республиканинг базавий илмий-методик маркази ҳамда олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси бир ой муддатда:

Солик академияси Низомига белгиланган тартибда тегишли ўзгартишлар киритсин;

2010 йилгача ҳудудлар бўйича давлат солик хизмати органлари кадрларини тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Дастурини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

3. 2006/2007 ўкув йилида, истисно тариқасида, солик коллажлари битирувчилари билан бир қаторда, иқтисод ўйналишидаги касб-хунар коллажлари ва академик лицейларнинг битирувчиларини ҳам бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича ўқишига республиканинг олий ўкув муассасалари учун белгиланган ягона қоида ва танлов асосида Солик академиясига қабул қилишга руҳсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси бир хафта муддатда 2006/2007 ўкув йилида солик коллажларига ўкувчилар қабул қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат солик қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда:

мехнат тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ Солик академиясининг профессор-ўқитувчилар таркиби аттестациядан ўтказилишини таъминласин;

Солик академиясими юкори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан тўлдиришда, таълим жараёнини ўкув-методик адабиётларнинг янги авлоди ва ўқитишнинг замонавий техника воситалари билан таъминлашда, Академияни зарур ўкувлаборатория ускуналари билан жиҳозлашда, унинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустахкамлашда қўмаклашсин;

«Истеъод» жамғармаси билан биргаликда Солик академияси профессор-ўқитувчи кадрларининг республика ва хориждаги етакчи таълим муассасаларида малака оширишларини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 3 июль,
ПҚ-397-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

249 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмасини такомиллаштириш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тузилмасини иқтисодиётнинг базавий тармоқлари энг муҳим инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мониторингини мувофиқлаштириш соҳасида унинг зиммасига юкланган кўшимча вазифалар ва функцияларга мувофиқ такомиллаштириш мақсадида:

- 1. Қуйидагилар:
Иқтисодиёт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг чекланган сони 165 штат бирлигидан иборат бўлган марказий аппарати (хизмат кўрсатиш ходимларидан ташқари) тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
- + 2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмаси ўзгарганлигини эътиборга олган ҳолда унинг фаолиятини жорий таъминлашга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур сарф-харажатларни назарда тутсин.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмасини такомиллаштириш түғрисида» 2005 йил 8 августдаги ПҚ-148-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 3 июль,
ПҚ-398-сон

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

250 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иқтисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-иқтисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

+ 1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги «Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 415-сон қарорининг 1, 2, 4, 6-бандлари, шунингдек ушбу қарорга 5-илованинг 2—4-бандари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 48-модда) 1-илованинг 33-банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 июль,
130-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 6 июлдаги 130-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматчиларининг лавозим маошлариға йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш түгрисида» 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатида:

а) «Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» бўлими қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Солик,
валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш департаменти

Департамент бошлиғи

Департамент бошлиғининг биринчи ўринбосари

Департамент бошлиғининг ўринбосари

Департамент бошлиғи ёрдамчиси

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Бош инспектор

Катта инспектор

Инспектор

Бўлим мудири

Бўлим мудири ўринбосари

Бош тафтишчи

Катта тафтишчи

Бош суриштирувчи

Катта суриштирувчи

Катта криминалист

Криминалист

Инспекция бошлиғи

Етакчи мутахассис

І тоифали мутахассис»;

б) «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратурулари хузуридаги солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармалари» бўлими қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган

даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари

Бошқарма бошлиғи

Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Бўлинма бошлиғи

Бўлим бошлиғи

Бўлим бошлиғи ўринбосари
 Катта инспектор
 Инспектор
 Бош тафтишчи
 Катта тафтишчи
 Тафтишчи
 Бош суриштирувчи
 Катта суриштирувчи
 Катта криминалист
 Криминалист
 Бош мутахассис
 I тоифали мутахассис»;
 в) «туман прокуратуралари ҳузуридаги солик ва валютага оид жиноятларга
 карши курашиш бўлимлари» бўлими қўйидаги таҳирда баён қилинсин:

«Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган
 даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг туман
 (шахар) бўлимлари

Бўлим бошлиғи
 Бўлим бошлиғи ўринбосари
 Бош суриштирувчи
 Суриштирувчи
 Катта инспектор
 Инспектор».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмита-
 си фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон
 қарорининг 5-банди иккинчи хатбошида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1998 й., 1-сон,
 2-модда) «солик ва валютага оид жиноятларга» сўzlари «солик, валютага оид жи-
 ноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзла-
 ри билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш-
 ни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 май-
 даги 232-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда) 1-
 илованинг «Қафолатлар мазмуни» устунининг 7-банди иккинчи хатбошида «солик
 ва валютага оид жиноятларга» сўzlари «солик, валютага оид жиноятларга ва жино-
 ий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўzлари билан алмашти-
 рилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солик соҳасидаги жиноятларга
 карши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 291-
 сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 7-сон, 37-модда):

- а) 1-банддаги «солик ва валютага оид жиноятларга» сўzlари «солик, валютага
 оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга»
 сўzлари билан алмаштирилсин;
- б) 2—6-бандлар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;
- в) 7-банднинг олтинчи хатбошидаги «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзла-
 ри «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадлар-
 ни легаллаштиришга» сўzлари билан алмаштирилсин;
- г) 4-илованинг номида «солик ва валютага оид жиноятларга» сўzлари «солик,

валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4-илова қўйидаги таҳирда баён қилинсин;

«Вазирлар Махкамасининг
2001 йил 6 июлдаги 291-сон карорига
4а-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти ва унинг худудий бўлинмалари ходимларининг
даражали маҳсус унвонлари**

Асосий лавозимлар номи	Даражали маҳсус унвонлар
Департамент бошлиғи	3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — 2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси
Департамент бошлигининг биринчи ўринбосари, Департамент бошлиғи ўринбосари	Адлия катта маслаҳатчиси — 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси
Департамент марказий аппарати бошқармалари бошлиқлари, бошқармалар бошлиқларининг ўринбосарлари, бўлимлар бошлиқлари, инспекциялар бошлиқлари, Департаментнинг худудий бошқармалари бошлиқлари	Адлия катта маслаҳатчиси
Департамент марказий аппарати бўлимлари бошлиқлари, Департамент бошлиғи ёрдамчиси, худудий бошқармалар бошлиқларининг ўринбосарлари, худудий бошқармалар бўлим бошлиқлари ва бўлимлар (бўлинмалар) бошлиқларининг ўринбосарлари	Адлия маслаҳатчиси
Департамент марказий аппарати ҳамда худудий бошқармаларнинг бош инспекторлари, катта инспекторлари, инспекторлари, бош суриштирувчилари, катта суриштирувчилари, бош тафтишчилари, катта тафтишчилари, катта криминалистлари, криминалистлари, туман (шаҳар) бўлинмалари бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари	Адлия кичик маслаҳатчиси
Туман (шаҳар) бўлинмаларида катта суриштирувчилар, суриштирувчилар, катта инспекторлар ва инспекторлар, катта тафтишчилар, тафтишчилар, кичик инспекторлар (даражали маҳсус унвонни эгаллаб туриш муддатига қараб)	3-даражали юрист 2-даражали юрист 1-даражали юрист

»
е) 6-иловада:

1-банднинг номидаги «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «юридик, иқтисодий, молиявий маълумотга эга бўлган» сўзлари

«юриспруденция, иқтисодиёт ва ахборот технологиялари соҳасида маълумотга эга бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг номидаги ва биринчи хатбошидаги «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Мажкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 6 майдаги 154-сон қарорининг 6-банди биринчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 24-модда) «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Мажкамасининг «Пул маблағларининг банқдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошидаги ва 8-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 46-модда) «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Мажкамасининг «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 23 майдаги 230-сон қарорининг 5-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси, ҚТ, 5-сон, 41-модда) «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Мажкамасининг «Лотериялар, тотолизатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарорининг 4-банди тўртинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 62-модда) «Бош прокуратура хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш» сўзлари «Бош прокуратура хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Мажкамасининг «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарорининг 5-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 68-модда) «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Мажкамасининг «Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 15 январдаги 24-сон қарорининг 6-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-сон, 4-модда) «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Мажкамасининг 2004 йил 25 мартағи 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мulkни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди тўққизинчи хатбошидаги «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин

12. Вазирлар Мажкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товар-

лари олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг хисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарорининг 2-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 89-модда) «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда):

3-банднинг биринчи хатбошидаги «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга 2-илова изоҳидаги «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 68-модда) 1-иловадаги «солик ва валютага оид жиноятларга» сўзлари «солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

**251 Вазирлар Маҳкамасининг «Архив иши бўйича меъ-
ёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил
30 октябрдаги 482-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 10-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисидаги низомга иловага қўйидаги таҳрирдаги биринчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти девони»;
биринчи—ён учинчи хатбоши тегишли равишда иккинчи—ён тўртинчи хатбоши деб хисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 июль,
131-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
 ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ
 ҚАРОРИ

252 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
3 июлда 1588-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

+

(2006 йил 13 июлдан кучга киради)

-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги ПФ-3321-сонли «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 31 марта 137-сонли «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сонли «Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири томонидан 2000 йил 30 июня ЭГ-01/12/3410-сон билан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан 2000 йил 20 июня 78-сон билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

хона қўмитаси раиси томонидан 2000 йил 30 июнда 02/20-35-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт-импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом (2000 йил 2 декабрь, рўйхат рақами 988 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси 2000 йил 23-сон);

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг, Молия вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг ЭГ-01/12-2548-сонли, 68-сонли, 02/19-16-сонли 2002 йил 20 июня даги қарори (2002 йил 20 июнь, рўйхат рақами 988-1 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси 2002 йил 11-12 сон) ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазари в.б. Н. НАЖИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 июнь,
НН-01/01-3771-сон

Молия вазирининг биринчи ўринбосари Б. АШРАФХАНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 июнь,
62-сон

Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. ХАЙРУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 июнь,
03-02/19-10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

253 Автомотранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек автомотранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
4 июлда 1589-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 14 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 марта «Автомотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 38-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қиласди:**

- + 1. Автомотранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек автомотранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтганилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан сўнг кучга киради.

Адлия вазири Б. МУСТАФОЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июнь,
15-сон

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 июнь,
5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

254 Ягона солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғриси- даги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
5 июлда 1590-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 15 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Конунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **карор қиласди:**

1. Илова* қилинаётган Ягона солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида-
ги низом тасдиқлансин.
2. Мазкур карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйха-
тига олинганидан сўнг ўн кун муддат ўтгач кучга киритилсин.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

+

Тошкент ш.,
2006 йил 25 май,
47-сон

Давлат солик қўмитасининг раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 май,
2006-25-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

**255 Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига
наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали
сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
5 июлда 1591-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 15 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан кейин кучга киради.
3. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари О. Оллаберганов зиммасига юклансин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 16 июнь,
128-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири
2006 йил 16 июндаги 128-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига наслли
молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга
oshiiriш тартиbi тўғrisida
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарорига мувофиқ, наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда кўйидаги тушунчалар қўлланилади:

шахсий ёрдамчи хўжалик — қишлоқ, овул ва қўргонларда яшовчи фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун уй-жой куриш учун берилган участкаларининг бир кисми — томорқада оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёжлари учун дехкончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етишириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқчасини дехқон бозорларида сотиш билан шугулланадиган оиласвий хўжалик;

дехқон хўжалиги — оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиширадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оиласвий майда товар хўжалиги;

фермер хўжалиги — фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектdir;

аукцион (кимошди савдоси) — наслли молларни сотишни амалга ошириш учун ташкил этиладиган очик турдаги аукцион савдоси;

аризачи — аукционда иштирок этиш истагини билдирган, Ўзбекистон Республикаси худудидаги шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари;

иштирокчи — аукционда қатнашиш хукуки берилган шахс;

сотувга кўйилган маҳсулот — наслли чорва моллари;

аукцион ташкилотчиси — наслли чорва моллар эгаси билан тузилган шартномага асосан, хизмат кўрсатувчи ва аукционни ўтказувчи ихтисослашган ташкилот;

сотувчи — наслли мол эгаси ёки унинг ишончли вакили.

2. Наслли чорва молларнинг аукцион савдолари наслчилик хўжаликларида чорвачиликни жадал ривожлантириш, наслчилик бўйича селекция соҳасида эришилган ютуқларни амалда жорий этиш, ҳамда наслли молларни сотишда наслчилик хўжаликларининг рақобатбардошлилиги ва иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ўтказилади.

3. Наслли чорва молларни сотиш очик турдаги аукцион савдолари орқали амалга оширилади.

Аукцион савдоси мустақил тадбир бўлиб, аукцион дастурига наслли чорва моллар кўргазмаси ҳамда савдо ярмаркаси ҳам кириши мумкин.

4. Аукцион савдосида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари наслли чорва молларни сотиб олиш учун иштирок этиш истаги билан мурожаат қилишлари мумкин.

5. Аукцион савдоси ўтказиладиган жой ва ўтказиш тартиби сотувчи томонидан белгиланади.

6. Фақат битта иштирокчи қатнашган аукцион савдоси ўтказилмаган хисобланади.

7. Аукцион савдосида сотиш учун молларни танлаш, тайёрлаш ва олиб келиш мулкдор томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

II. Аукцион савдосида иштирок этиш шартлари

8. Аукцион савдосида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари қонунчилик ва мазкур Низомда ўрнатилган тартибда иштирок этишлари мумкин.

9. Аризачи аукцион савдосида иштирок этиш учун аукцион ташкилотчисига қуидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

аукцион савдосида штирок этиш учун ариза (икки нусхада);
закалат ҳақидаги келишув;

аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган аукцион ташкилотчининг банк хисоб рақамига закалат ўтказилганинги тасдиқловчи тўлов топширикномасининг нусхаси. Агар қонунда бошқа талаблар назарда тутилмаган бўлса, тўлов микдори, савдога қўйилган маҳсулот бошлангич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда белгиланади. Сотувчи томонидан ҳар бир сотилаётган маҳсулот бўйича тўловнинг аниқ микдори аукцион савдоси ташкилотчиси билан келишилган холда белгиланади;

юридик шахслар учун — давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувохнома-нинг нусхаси, унинг ишончли вакили қатнашаётган бўлса, шунингдек, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, унинг ишончли вакили қатнашаётган бўлса, шунингдек, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Аукцион савдоси ташкилотчиси томонидан, аризанинг иккинчи нусхасига қабул қилинган ҳужжатлар номи қайд қилинган холда белги қўйилади ва аризачига қайтарилади.

10. Аукцион савдосида иштирок этиш ҳақидаги аризалар, белгиланган тартибда қайд қилиш китобида рўйхатга олинади.

11. Аукцион ташкилотчиси, аукцион савдосида иштирок этувчиларни тақдим этиладиган ҳужжатлар намуналари билан таъминлаши, шунингдек уларни тўлдириш ва расмийлаштиришга кўмаклашиши шарт.

12. Аукцион ташкилотчиси иштирокчилар томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг сақланиши, шунингдек тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда иштирокчилар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг мазмuni сир тутилишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

13. Аукцион савдоси бошлангунга қадар иштирокчи аукцион ташкилотчисига ёзма равишда мурожаат этиб, ўз аризасини қайтариб олишга ҳақли. Бу холда аризачидан тушган закалат суммаси аукцион савдоси ташкилотчисига аризани қайтариб олиш ҳақида берилган ариза келиб тушган вақтдан бошлаб уч банк кунидан кечиктирмай қайтариб берилиши лозим.

14. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир соат қолганда тўхтатилади.

15. Аукцион иштирокчиларини аниклаш учун тақдим этилган аризалар ва ҳужжатлар, аукцион савдоси бошлангунга қадар шу куннинг ўзида комиссия томонидан қўриб чиқилади.

16. Аукцион савдосининг иштирокчисига, иштирокчининг рақами ва аукцион савдосига қўйилган чорва молларнинг зоти ва аниқ бош сони қайд қилинган билет берилади. Шунингдек, иштирокчига савдо вақтида фойдаланиш учун маҳсус рақамили белги берилади ва у савдо тугагач қайtariladi.

17. Аукцион савдосига киритилмаган аризачилар, савдо бошланишидан олдин огохлантириладилар.

III. Аукцион савдосини ташкил этиш

18. Аукцион ташкилотчиси сотувчи билан тузилган шартнома асосида ўз фаолиятини амалга оширади. Шартномада қуидагилар кўрсатилади:

шахсий рақамлари ва лақаблари қайд қилинган чорва моллар зоти ва бош сони; чорва моллар жойлашган жой (манзили); ҳар бир бош наслли чорва молнинг бошлангич нархи; рағбатлантириш миқдори (комиссион йифим ва бошқалар); аукцион савдоси ўтказиладиган жой, вақт ва уни ўтказиш тартиби; иштирокчилар томонидан тўланадиган закалат миқдори; ўзаро хисоб-китоблар ҳамда томонларнинг жавобгарлиги; қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шартлар.

Шартнома тузишдан ташқари сотовчи аукцион савдосини ўтказувчи ташкилотга шунингдек, сотовга қўйилган маҳсулот ҳақидаги маълумотларни, мулк хукуқини тасдиқловчи хужжатларни ва лозим бўлган тақдирда бошқа хужжатларни тақдим этади.

19. Аукцион ташкилотчиси белгиланган тартибда қўйидагиларни таъминлайди: савдога қўйилган чорва моллар зоти ва бош сонлари ҳақидаги хабарномани эълон қилиш ва иштирокчиларга етказиш;

аукцион савдосини белгиланган муддатларда ўтказиш;
аукцион иштирокчилари билан хисоб-китоб ишларини амалга ошириш;
аукцион савдосининг натижаларини эълон қилиш;
шартномага мувофиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш.

20. Аукцион савдоси ўтказилиши ҳақидаги хабар оммавий ахборот воситаларида аукцион ўтказилишидан камида 30 кун олдин эълон қилиниши ва ўз ичига аукцион савдоси ўтказиладиган кун, вақти, жойи, чорва моллар бошлангич нархи, шу жумладан савдода қатнашишни рўйхатга олиш ҳақидаги маълумотномаларни олиши лозим. Эълонда шунингдек, закалат миқдори, тўлаш муддати ҳамда тартиби ва аукцион савдоси ҳақидаги бошқа маълумотлар кўрсатилади.

21. Аукцион савдосини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар сотовчи ва сотиб олувчи томонидан teng миқдорда тўланадиган комиссион йифимлар хисобидан қопланади.

22. Комиссион йифим миқдори ташкилотчи томонидан сотовчи билан келишилган ҳолда белгиланади ва у савдони ташкил этиш, ўтказиш ва жорий ҳаражатлардан ошиббанди ошиб кетмаслиги лозим.

IV. Аукцион савдоси комиссияси

23. Аукцион савдосини ўтказишга тайёрлаш ва амалдаги тартиб ва қоидаларга риоя қилинишини назорат қилиш учун аукцион савдоси ташкилотчиси, таркиби камида 5 кишидан иборат бўлган доимий ёки муваққат фаолият юритувчи аукцион савдоси комиссиясини тузади.

Аукцион савдоси комиссияси таркибига мулқдор вакилидан ташқари қўйидагилар киради:

туман ҳокимияти вакили;
туман бош ветеринария врачи;
туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош зоотехники;
вилоят наслчиллик хизмати вакили.

24. Аукцион савдоси комиссияси, ўз регламентини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди

25. Аукцион савдоси комиссияси қарори, кўпчилик овоз бериш ўйли билан қабул қилинади ва барча комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган баённома тузилади.

26. Аукцион савдоси комиссияси бевосита аукцион савдосини ўтказиш жараёнiga аралашишга, мазкур Низом, бошқа қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолларда иштирокчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини бекор қилишга, ўзаро келишув ҳолати ва бошқа савдони бузувчи кўзда тутилмаган ҳолатлар аниқланганда савдони тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

27. Аукцион савдо комиссияси:

аризаларни унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқади;

аризачиларни аукцион савдосига киритиш ёки аризаларни рад этиш ҳақида қарор қабул қиласди;

аукцион савдосининг ўтказилишини назорат қиласди;

низоларни ўз ваколати доирасида кўриб чиқади.

Комиссия қонун ҳужжатлари ва ушбу Низомга мувофиқ аукцион савдосини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

V. Аукцион савдосини ўтказиш

28. Аукцион савдоси маҳсус малакага эга бўлган аукцион ўтказувчи (аукциончи) томонидан ўтказилади. Аукцион савдоси наслли чорва молларнинг қисқа таърифи, бошланғич нархи, шунингдек баҳо ортиши қадамини эълон қилиш билан бошланади. Баҳо қадами (ўсишини) аукцион ўтказувчи томонидан сотувчи билан келишилган ҳолда белгиланади ва у наслли чорва мол нархининг 5 фоизидан ош маслиги керак. Алоҳида ҳолларда комиссиянинг ёзма қарорига кўра баҳо қадами ўзгартирилиши мумкин.

+ Уч қадамдан сўнг, чорва молнинг баҳоси ошиш томонига ўзгариши мумкин. Аукцион савдосини ўтказиш жараёнида, аукциончи баҳони эълон қиласди, иштирокчилар эса ушбу баҳода сотиб олишга тайёр эканликларини рақамли билетни кўтариш йўли билан ўз муносабатларини билдирадилар. **-**

29. Аукцион савдосини ўтказиш жараёни бошланғич нархни эълон қилиш билан бошланади. Навбатдаги баҳо эълон қилиниши билан аукциончи биринчи бўлиб, ўз рақамли билетини биринчи бўлиб кўтарган иштирокчини кўрсатади. Агарда бошқа иштирокчилар томонидан сотиб олиш истаги шу йўсинда билдирилган тақдирда, аукциончи аукцион савдоси баҳо қадамига мувофиқ кейинги баҳони эълон қиласди.

Аукцион савдоси наслли молга энг юкори баҳони таклиф этган иштирокчи аниқланунга қадар давом этади.

Баҳо уч марта эълон қилингандан сўнг, бу баҳога бошқа иштирокчилар ўз рақамлари кўрсатилган билетини кўтартмасалар, аукцион савдоси тугатилади. Рақамли билетини энг охирида кўтарган иштирокчи эълон қилинади ва аукцион савдоси ғолиби деб эътироф этилади.

30. Аукцион савдоси тугагач, аукциончи наслли молларнинг сотилганлигини, баҳосини ва ғолиб рақамини эълон қиласди.

31. Аукцион савдоси ғолиби ва ташкилотчиси аукцион ўтказилган куни шартнома кучига эга бўлган аукцион натижалари тўғрисида баённома имзолайди. Савдо да ғолиб чиқсан шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда киритган зақалат суммаси қайтарилемайди. Аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани имзолашдан бош тортган аукцион ташкилотчиси зақалатни икки баробар микдорда қайтариши лозим.

32. Аукцион савдоси якуни бўйича тузиладиган баённомада қуйидагилар қайд қилинади:

насли кўрсатилган тартибда сотилган моллар рўйхати, шахсий тартиб рақами ва унинг «лақаби»;

сотилган баҳоси, тўлаш тартиби ва тўлов шакли;

сотовчи ва харидор тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг манзили;

сотилган чорва молни етказиб бериш тартиби, томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

конунчилликка зид бўлмаган бошқа шартлар.

33. Аукцион савдоси натижалари ҳақидаги ахборот, аукцион савдоси ўтказилган кундан бошлаб 30 кун ичida матбуотда ёки маҳсус ахборотномада чоп этилади.

VI. Низоларни ҳал этиш

34. Харидор сотиб олинган чорва мол ёки гуруҳда нуқсон (жинсий ожизлик) ва касалликлар аниқланган ҳолатларда белгиланган тартибда аукцион савдоси комиссияси ёки бевосита судга мурожаат қилиши мумкин.

35. Сотиб олинган чорва мол ёки гуруҳда аниқланган нуқсон (жинсий ожизлик) ва касалликлар ҳудудий ветеринария ёки наслчиллик хизмати томонидан тасдиқланади.

VII. Якуний қоидалар

36. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш Давлат қўмитаси билан келишилган.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш
Давлат қўмитаси раиси в.б. Б. УЛАШОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
 ҚАРОРИ

**256 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида яроқ-
 сиз ҳолатга келган (хизмат муддати тугаган) ёки
 йўқотилган моддий ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш,
 моддий маблағлар ҳисоби ва улар бўйича ҳисобот юритиш
 тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
 5 июлда 1592-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 15 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларидаги ислоҳотларда меъёрий-хукукий
 базасини ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадида **қарор қиласиз**:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида яроқсиз ҳолатга келган (хиз-
 мат муддати тугаган) ёки йўқотилган моддий ва пул маблағларини ҳисобдан чиқа-
 риш, моддий маблағлар ҳисоби ва улар бўйича ҳисобот юритиш тартиби тўғрисида-
 ги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхати-
 дан ўтказилганидан сўнг, 10 кундан кейин амалга киритилади.

Мудофаа вазири Р. МИРЗАЕВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 12 май,
 7-сон

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 12 май,
 2-сон

Фавқулодда вазиятлар вазири К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 12 май,
 1/4-529-сон

Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 12 май,
 46-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
 ҚАРОРИ

**257 Давлатга етказилган зарар учун ҳарбий хизматчилар-
 нинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги Вақтинчалик
 низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
 5 июлда 1593-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 15 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидағи ислоҳотларда меъёрий-хукукий базасини ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадида **карор қиласиз**:

1. Давлатга етказилган зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги Вақтинчалик низом иловага* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг, 10 кундан кейин амалга киритилади.

Мудофаа вазири Р. МИРЗАЕВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 12 май,
 6-сон

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 12 май,
 3-сон

Фавқулодда вазиятлар вазири К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 12 май,
 1 / 4-528-сон

Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
 2006 йил 12 май,
 47-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси
 Адлия вазирлиги маълум қилади:
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
 2006 йил 1 июлдан 7 июлгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 30 июнданги НН-01/10-3771, 62, 03-02/19-10-сон қарори.

2006 йил 3 июлда 1588-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 июлдан кучга киради).

+ 2. «Автомотранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек автомотранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсларга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишилар вазирлигининг 2006 йил 27 июнданги 15 ва 5-сон қарори.

2006 йил 4 июлда 1589-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 14 июлдан кучга киради).

3. «Ягона солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 25 майдаги 47, 2006-25-сон қарори.

2006 йил 5 июлда 1590-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 15 июлдан кучга киради).

4. «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 16 июнданги 128-сон бўйруғи.

2006 йил 5 июлда 1591-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 15 июлдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида яроқсиз ҳолатга келган (хизмат муддати тугаган) ёки ўйқотилган моддий ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш, моддий маблағлар ҳисоби ва улар бўйича ҳисобот юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги,

Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг 2006 йил 12 майдаги 7, 2, 1/4-529, 46-сонли қарори.

2006 йил 5 июлда 1592-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 15 июлдан кучга киради).

6. «Давлатга етказилган зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг 2006 йил 12 майдаги 6, 3, 1/4-528, 47-сонли қарори.

2006 йил 5 июлда 1593-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 15 июлдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган экспорт-импорт контрактлари (шартномалари, битимлари)ни Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар вазирлигига рўйхатга олиш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (2000 йил 2 декабрь, рўйхат рақами 988); (2002 йил 20 июнь, рўйхат рақами 988-1).

Адлия вазирининг 2006 йил 3 июлдаги 101-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги конунчилликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

+